

**Кун ҳикмати**  
 Ҳожат йўқ,  
 ҳаммасини сўзлаб  
 баён қилмоққа,  
 бир боқмоқ минг  
 сўздан яхшидир  
 англаганга.  
 Жалолиддин Румий

Юрт таракқиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2021 йил  
 7 октябрь  
 пайшанба  
 № 126  
 (4566)



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

**«ИПАК ЙЎЛИ  
 ДУРДОНАСИ» —  
 ҚАЙТА ТИКЛАНГАН  
 ЗАРВАРАҚ**

»»» 4-саҳифада ўқинг...

**Сирдарё вилояти**

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат техник ва ҳуқуқ инспекторлари вилоят фтизиатрия ва пульмонология марказида ўрганиш ўтказди.

**Касаба уюшмалари аралашгач...**

**Бўзчи белбоққа ёлчимас(ми?)**



**Ж**араёнда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонун, кодекс, тармоқ келишуви ва жамoa шартномаси бандлари ижросига эътибор қаратилди.

Қарангки, «бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол мўндига» деганларидек, тиббиёт ходимлари тиббий кўриқдан ўтиш учун пул сарфлашган. Ваҳоланки, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-, Меҳнат кодексининг 214-моддаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2019-2021 йилларга тузилган Тармоқ келишувининг 6.8-банди талаблари бунга мос келмайди.

Ушбу камчиликни бартараф этиш бўйича марказ бош шифокори номига ёзма тақдимнома киритилди. Шунда ҳам ходимлар ҳуқуқи тикланмагани сабаб, тармоқ касба уюшмасининг вилоят кенгаши томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суд аризани қаноатлантириб, ходимларнинг тиббий кўрик учун ўз ҳисобидан сарфлаган пул маблағини қайтариш бўйича қарор қабул қилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
 «ISHONCH»

**Кун нафаси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 октябрь куни Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг конгрессменлар Дон Бэйкон, Дуг Ламборн, Трой Нельс ва Август Пфлюгердан иборат делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тақлифига биноан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг узоқ муддатли кузатувчилари мамлакатимизга ташриф буюрди.

2021 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Нидерландия Қироллигининг Фавкулотда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган (қароргоҳи Москва шаҳрида жойлашган) Хиллес Арно Бесхор Плухни қабул қилди.

2021 йил 6 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Ватиканнинг Ўзбекистондаги Апостол Нунсийи (Элчиси) этиб тайинланган (қароргоҳи Москва шаҳрида) архиепископ Жованни Д'Аньеллони қабул қилди.


Брюссель шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (КШҲБ) лойиҳаси юзасидан музокара-ларнинг 9-раундида Ўзбекистон делегациясининг иштироки доирасида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Б.Обидов Европа комиссияси Савдо бўйича бош директоратининг барқарор ривожланиш ва иқтисодий ҳамкорлик битимлари бўйича директори Э.Зиновьев билан учрашди.

Тошкентда «Аҳolini рўйхатга олиш маълумотларидан барқарор ривожланиш мақсадларида фойдаланиш йўналишлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.

«VEON» компаниялар гуруҳи делегацияси Ўзбекистон вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан учрашиш учун Тошкентга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва бир гуруҳ соҳа фидойилари ташаббуси билан қисқа муддат ичида чоп этилмай қолган «Ўзбекистон матбуоти» журналининг тақдими ўтказилди.

Жорий йилнинг 9-10 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Япон боғи» ҳудудида триатлон бўйича очик Осие кубоги баҳслари бўлиб ўтди.



Қорақалпоғистон Республикаси

**Тасанно!**  
**Мақтаб қурган муаллим**

Мўйноқда касбига садоқатли, мураккаб экологик ҳудудда яшаётганига қарамай, зиммасига олган вазифасини сидқидилдан амалга ошириб, одамлар меҳрини қозонаётган фидойи инсонлар кўп. Улардан бири Зулфия Турдимуратовадир.

Фидойи устоз айни вақтда 53 ёшда. У Қорақар қишлоғида туғилган ва вояга етган. Қорақалпоқ давлат университетида таҳсил олиб, 1993 йилдан ўз қишлоғида фаолият юритган.

У 1998 йилда Жалғиз терек қишлоғига, ҳудуд аҳлининг илтимосига кўра, кўчиб боради. Қишлоқда ўқув маскани бўлмагани учун ўша йили ўз кучи билан мактаб филиали биноси куради. Лекин қамишдан бунёд этилган мактаб кўпга чидамайди. 2011 йилда қишлоқ аҳли кўмағида ҳашар йўли билан янги мактаб биноси бунёд этилади. Турмуш ўртоғи Сахи оға билан маслаҳатлашиб, кўрасидаги қўй-эчкиларини сотиб, пулини қурилиш материалларига ишлатади. Аммо маблағ етмай қолади. Расмий идоралардан нажот бўлмагач, Зулфия опа ўз номига банкдан кредит расмийлаштириб, қурилишни охирига етказди.

Зулфия Турдимуратова ушбу мактаб филиалида ягона муаллимдир. Яқинда пенсияга чиққанига қарамай ҳамон бошланғич синфларда ўқийдиган 12 нафар болага таълим-тарбия бериб келмоқда.

Раҳмат сизга муаллим, фидойилигингизга тасанно!

Есимхон ҚАНОАТОВ,  
 «ISHONCH»



**Наманган вилояти**

**Ҳуқуқ**

**ТЕРИМГА МАЖБУРИЙ ЧИҚАРИШСА...**

Ҳар йили Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб қилган ҳолда пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароит яратиш, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан Миллий мониторинг ўтказиб келмоқда.

Айни пайтда Наманган вилоятида ҳам Миллий мониторинг ишчи гуруҳи фаолиятини давом эттирмоқда. Урганишлар давомида мажбурий ва болалар меҳнати йўли қўйилмасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда ижтимоий тармоқларда Норин туманидаги мактаб ўқитувчилари мажбурий меҳнатга жалб қилин-

зорати ҳам ташкил қилинган. Мавсум давомида теримчилар учун ажратилган ётоқ жойларида яратилган шарт-шароитлар ўрганилиб, аниқланган камчиликлар ҳудудий ҳокимликлар, масъул ташкилот ва идоралар томонидан бартараф этилиши назорат қилиб борилмоқда.

Бунда касба уюшмаси томонидан ташкил этилган 10-92 қисқа рақами энг яқин кўнмакчи бўлиб, унга мурожаат қилинганда пахта йиғим-теримида ҳуқуқи бузилган ҳар қандай кишининг муаммолар ҳал этилмоқда.

Бундан ташқари, масала юзасидан ҳудудий кенгашлар томонидан жамоатчилик на-

Орзулгул РУСТАМОВА,  
 «ISHONCH»

**Касаба уюшмалари фаолияти РАҚАМЛАРДА**

**Мурожаатлар ижобий ечим топмоқда**

2021 йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгашига аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг **127 таси** ижобий ечим топди.

Хусусан, иш ҳақларини ундириш бўйича тегишли корхона ва ташкилотларга **21 та** курсатма киритилди. Натижада **5 минг 221 нафар** ходимга **9 миллиард 200 миллион** сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Бундан ташқари, **210 нафар** фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди.

## ШАЙБОНИЙХОН

шахсияти нега эътиборсиз қолмоқда?

Ўзбек тарихининг энг зиддиятли нуқтаси ҳақида мулоҳазалар



»»» 3-саҳифада ўқинг...

Фаргона вилояти



## БАҒДОДЛИК АЁЛЛАР

Х афизахон Тожиева «Самандарак» МФЙда яшайди. 64 ёшли бу онахон узок йиллар давомида нураб, тўкилиб, қулбага айланиб қолган уйда яшаб келаётган эди. Савол-жавоблар давомида онахон ҳеч нарсадан ками йўқлиги, ҳаёти яхшилигини айтган бўлса-да, бироқ бу камтарин онанинг яшаш шароити, уйнинг таъмирга ўта муҳтожлиги ишчи гуруҳнинг назаридан четда қолмади. Ҳафиза Тожиева «Аёллар дафтари»га киритилди. Уй-жойи эса таъмирланадиган бўлди.

– Уйда ўзим ёлғиз яшайман. Яқин кўмакчим йўқ, – дейди Ҳ.Тожиева. – Муаммоларимни ўрганишга келганлар яшаш шароитимни кўриб, ёрдам кўрсатишларини айтишди. Кўп ўтмай, уйимда таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Эски эшик-роғлар, чириб кетган поллар янгиланди. Деворлар буткул янгича кўриниш олиб, пардозланди. Усталарнинг қўли дард кўрмасин, уйим қошонадек бўлди. Қарангки, гилам ва бошқа рўзгор буюмларини ҳам совға қилишди. Хозир ўзимни дунёдаги энг бахтли инсондай ҳис қиламан.

«Мурувват» МФЙда яшовчи Муқаддамбону Аҳмедова шу чоққача дурустроқ иш топа олмай, кўп қийинчилик кўрган аёллардан. Ишчи гуруҳнинг ўрганишларидан сўнг ҳаётида янги саҳифа очилди. Сўхбатда

Муқаддамбону ишсизлигини, озгина молиявий кўмак бўлса, аёллар Гузаллик салоҳи очиш нияти борлигини билдирди. Унинг орзу-истаклари, мақсади дафтарга қайд қилинди.

– Ишчи гуруҳнинг кўмаги билан қисқа вақтда банкдан кредит олиб, Гузаллик салоҳи очишга муяссар бўлдим, – дейди Муқаддамбону Аҳмедова. – Мана бугун қўлим-қўлимга тегмаяпти. Мижозларим сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Ишларим юришиб, рўзгоримга барака кирмоқда. Ишчи гуруҳнинг кўмаги ва қўллаб-қувватлаши сабаб орзуимга етганимдан хурсандман.

Ҳафиза Тожиева «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг 2 минг 600 нафардан зиёдининг муаммоларини ўз ечимини топди. Аёллар муаммоларини ҳал этиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,  
«ISHONCH»

### Ишчи гуруҳ фаолиятдан

Бағдод туманидаги 56 та МФЙда 45 минг 776 нафар 30 ёшдан ошган аёл истиқомат қилади. Ҳафиза Тожиева «Аёллар дафтари»га киритилди.



Тошкент шаҳри

## ХОДИМЛАР МАНФААТИ БИРИНЧИ ЎРИНДА



Миробод тумани мактабгача таълим бўлимида фаолият кўрсатиб келаётган 24 нафар ходимнинг барчаси касаб уюшмасининг доимий эътиборида.

лар тақдим этилмоқда. Пандемия шароитида оғир касалликни бошидан ўтказганлар, яқинларидан жудо бўлганларга кўмак кўрсатилаётган. Фаол хизмати ва эришган ютуғи учун қатор ходимларимиз байрамларда пул ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишяпти.

Олиб бораётган эзгу ишларимиз бесамар кетмаяпти. Меҳнатларимиз ҳамisha эътироф этиб келинмоқда. Бунинг исботи ўлароқ, яқинда аъзолари сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Тош-

кент шаҳар босқичида 1-ўринни қўлга киритдик.

Ходимга меҳнат қилиши ва дам олиши учун қўлай шароит яратилса, ишда унум бўлади. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида келгуси йилда дам олиш хонаси, шунингдек, кичик спорт тренажёр зали ташкиллаштиришни маъмурият билан биргаликда амалга оширишни режалаштирганмиз.

Машкура ҒАҒУРОВА,  
Миробод тумани мактабгача таълим бўлими касаб уюшма кўмитаси раиси

Муҳтож ва ёлғиз оналарга моддий ёрдам ажратилапти. Ходимларнинг соғлигини тиклаш ва дам олиши учун сиҳаттоҳларга йўланма-

Сирдарё вилояти

### Эътиром

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашида устозлар байрами муносабати билан тадбир ташкил этилди.



## БЕРИЛИБ ИШЛАШ УЧУН САБАБ КЎП...

Унда кўп йиллар тизимда ишлаган фахрий устозлар меҳнати эътироф этилди. Уларнинг тажрибаси, фидойи меҳнатлари тўғрисидаги дил сўзлари тингланди.

Тадбир қаҳрамонлари – Қаршибой Эшназаров, Алижон Мамарасулов бу обрў-эътиборга, эътиромга ўз-ўзидан эришмаган, албатта. Улар таълим соҳасидаги бир неча йиллик фаолиятлари давомида кўплаб қалбларга нур олиб кирган ташаббусларга бош бўлган. Улар касаб уюшмаси тизимида ҳам ана шу ғайрат билан ишлаб келмоқда.

– Касаб уюшмаси ходими бўлган инсон доимо ўзига нисбатан талабчан бўлиши лозим, – дейди Қаршибой Эшназаров. – Ўзига юклатилган ҳар бир вазифани виждонан бажариш билан бирга аъзолар манфаати йўлида ташаббускорликни бир зум бўлсин унутмаслиги даркор. Шу маънода ўтган йилларим жуда тиғиз, хайрли ишларга бой бўлди. Соҳада янги иш бошлаган ходимга ҳам мана шу ўғитта одатланишни тавсия қиламан. Берилиб ишлаш учун сабаб кўп. Тизимда бунинг учун барча шароит яратилган.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши томонидан «Устозлар – касаб уюшмалари эъзозидан» мавзусида тадбир ўтказилди.

### Тадбир

– Тошкент вилоятида 916 та халқ таълими муассасаси фаолият юритмоқда, – дейди Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси Муроджон Носиров. – Ўтган даврда вилоятда фаолият кўрсатаётган маориф соҳаси ходимларидан 197 нафарига ижтимоий суғурта маблағлари, 189 нафарига эса касаб уюшма бадаллари ҳисобидан соғлиқларини тиклаш учун санаторийларга йўланма берилди.

Тадбирда таълим ва фан ходимлари касаб уюшмалари Республика кенгаши раиси Равшан Бедилев иштирок этиб, фахрий устозлар, ўқитувчи-мураббийлардан юз нафарига совғалар ва ташаккурномалар топширди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБЕКОВ



### Таъсис конференцияси «ERIELL»ДА КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ

Қарши шаҳрида «ERIELL Oilfield Services Middle East DMCC» ташкилотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Собиржон Эгамбердиев иштирок этиб, касаб уюшмасига аъзоликнинг афзалликлари ва имтиёзлари, сўнгги йилларда тизимда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг делегатлар бир овоздан «ERIELL Oilfield Services Middle East DMCC» ташкилотиде касаб уюшма кўмитаси тузиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлашди.

Ўз навбатида, кўмита аъзолари, унинг раиси, тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда раиси сайланди.

Йиғилиш делегатлари томонидан Азамат Нарқулов 7000 нафардан ортиқ ходим ишлайдиган нуфузли корхонанинг касаб уюшма кўмитаси раислигига муносиб кўрилди.

Маълумот учун: «ERIELL Oilfield Services Middle East DMCC» компанияси республикамиз нефть-газ тармоғида ўз ўрнига эга бўлган йирик хорижий корхоналардан бўлиб, ўз фаолияти давомида нефть-газ конларида бургулаш ишларини янги замонавий технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширмоқда.

Акмал АБДИЕВ,  
«ISHONCH»

Наманган вилояти

### Кўрик-танлов

## БИЛИМДОНЛАР САРАЛАНДИ

«Наманган ҲЭТК» АЖда «Энг яхши билимдон» кўрик-танлови ташкил этилди.

Барча шаҳар, туман электр таъминоти корхоналарининг хизмат ва бўлимларидаги 30 ёшгача бўлган ходимлари ўртасида ўтказилган танловнинг 1-босқичида 160 нафар иштирокчи қатнашиб, уларнинг 20 нафари 2-босқичга етиб келди.

Иш жараёнида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ҳимоя воситаларининг ўз вақтида қўлланилиши борасида берилган саволларга соҳанинг энг яхши билимдонлари аъло даражада жавоб бериб, ғойибликни қўлга киритишди.

Танловнинг вилоят босқичида иштирок этган 20 нафар ёш мутахассисга бир ойлик маоши миқдорида пул мукофотлари белгиланди.

Рустамжон ДАДАМИРЗАЕВ,  
«Наманган ҳудудий электртармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касаб уюшма кўмитаси раиси

Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институтида «Замонавий оилада, фарзанд тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

У ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг, мустақил ва фаровон оила шаклланишига салбий таъсир этувчи ҳолатлар ва уларнинг олдини олишнинг илмий-амалий асосларини ўрганишга бағишланди. Шунга кўра, тадбирда қатнашиш учун олимлар, мутахассислар ва экспертлар жалб этилди.

Конференциянинг ялпи мажлисида «Замонавий оилани барпо этишда миллий ва



## ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

умуминсоний қадриятларнинг ўрни. «Оила – миллий қадриятлар бешиги», «Оила ва тарбия масалалари Шарқ алломалар нигоҳида» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Сўнгра иштирокчилар шўба-ларга бўлинган ҳолда муҳокама ва баҳс-мунозараларни давом эттиришди. Пировардида замонавий оила шаклланишида ҳамда фарзандлар тарбия-

сида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамиятини янада оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

Комила БОЙМУРОВА,  
«ISHONCH»

УСТОЗЛАР – КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЭЪЗОЗИДА

Яқинда тарихчи Бахтиёр Алимжановнинг «Ishonch» газетасида, кейин Ўзада «Муҳаммад Шайбонийхон даврни ўзгартирган сиёсий лидер эди(ми?)» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Қуйида ўзбек медиасида Шайбонийхон мавзуси кўтарилганидан фойдаланиб, бу борадаги айрим мулоҳаза ва қарашларимни келтириб ўтмоқчиман.

Элдор АСАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Миллий археология маркази кичик илмий ходими

Муаллиф ҳақида:



1988 йилда Самарқанд вилояти Ургут шаҳрида туғилган. 2009 йилда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг бакалавр, 2011 йилда магистратура босқичини тамомлаган. 2014 йилда филология факультетида докторантуранга битирган.

Кейинги йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўқитувчи бўлиб фаолият юртган. 2017 йилда Озарбайжон Фанлар академияси, 2019 йилда АҚШдаги Жорж Вашингтон университетида таълим асосини тадқиқотчи бўлиб ишлаган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология марказида кичик илмий ходим лавозимида ишламоқда.

Муаллиф, шунингдек, «Kup.uz», «Daryo.uz», «Turon24» каби онлайн нашрларда фаолият юртган. Бугунги кунда «Vidun.uz» нашрида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. Telegram'da 9 минг обуначига эга «Асанов формат» номи илмий канал асосчиси.

СОВЕТ ТАРИХЧИЛИГИ ХОНЛИКЛАРНИ НЕГА ЭМОН КЎРГАН?

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзунини мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг қирлик, қора кунлари бўлган кейинги хон замонларидан белгиланган.

Абдулла Қодирийнинг «Уткан кунлар» романи киришидан олдин бу парча ўзбек китобхонага яхши таниш.

Хонлик замони танқид остига олиш аслида Қодирий ижодидагина хос эмас. Ўзбек адабиёти, Ўзбекистонга бағишланган рус ориенталистикаси кўздан кеңсиз, «тарихимизнинг энг қирлик, қора кунлари бўлган кейинги хон замонлари» ҳақида яна бир қанча китоб топасиз: Ақмал Икромовнинг ўли Қомил Икромов муаллифлигидаги «Лехотный капитан» романи Оллоқулхон замониди Хива хонлигини фош этади; Евгений Березиковнинг «Красная Бухара» романида ХХ асрнинг 10-йилларидаги Бухоро амрлиғи қора бўёқларда тасвирланади; Мирқарим Осминнинг хонликларга бағишланган қисса ва ҳикояларидан негатив уфуриб туради.

Мен ўзбек хонликлари ривожланган, кучли давлатлар бўлган демократ эмасман; улар айниқса мавжудлигининг охири бир-икки асрда анча орқалда қолиб кетгани бор гап. Лекин совет тарихчилигининг ўзбек хонликларига кесат салбий муносабатига бошқа шахсийроқ сабаб бор: СССРнинг Марказий Осиёдаги республикалари ўзбек хонликларининг «тиригини» кўрган, уларга қарши курашиб, уларни қулатиб, харобаларида тузилган давлатлар эди. СССР ва ўзбек хонликлари ўртасида конкрет идеологик муҳолифат, қарама-қаршилик мавжуд эди. Хонликлар тарихини ёзган совет фани ўтмишни ҳис-туйғусиз ёритишга эмас, идеологик рақибини тошбўрон қилишга уринади. Бу хонликлар даврига ҳолис ёндашишга, айрим арзрили воқеалар, ютуқлар, шахсларга тадқиқий эътибор қаратишга тўқнақлик қиларди.

Мустақил Ўзбекистон тарихчилиги ҳам совет даври парадигмаларидан чиқиб кетмаляпти: совет мактаби яратган умумий қараш скелети, даврлаштириш тўғрисида сақлаб қолingan, тарихий шахслар пантеони деярли ўзгармаган (Амир Темуру қўшилган), ёнда- шув- л и



Самарқанддаги Шайбонийлар даҳмаси. ХХ аср бошларидаги фото

алмашмаган. Хонликлар даврига қайта баҳо беришга, уларнинг тарихини тақрирлан ёзишга ҳаракат қилинмаяпти, умуман, бу мавзуга айтарли қизиқиш йўқ. Ўзбек миллати, Марказий Осиёнинг бугунги этник, сиёсий ва маданий қиёфаси шаклланишида хал қилувчи роль ўйнаган ўзбек хонликлари қолиб, улардан олдинги замонларга кўпроқ урғу берилади, хонликларга келганда эса Темурийлар давлати йўқ қилиниб, бунинг оқибатида қоқоқлик ва тушунлик бошлангани уқтирилади.

Хонликлар даврининг умумий танқиди асносида Шайбонийлар давлати ҳам мана шу «қоқоқлик фаза»и доирасига киритиб юборилади. 2001 йилда рус тилида чиққан «Очерки по истории государственности Узбекистана» китобининг ўзбек хонликлари бағишланган бобида Шайбонийлар даври қуйидагича тавсифланади: «Кейинчалик фақат баъзи Шайбоний ҳукмдорларидан вилоятлар ноибларининг эътирофини қозониб, марказий ҳокимиятнинг кучайтиришида маълум муваффақият қозона олган». Ваҳоланки, Шайбонийлар даври чегаралари ва сиёсий тузилиши жиҳатидан кейинги асрлардаги хонликлардан фарқ қилади. Шайбонийларни амонасининг қоқоқ ва кучсиз сулоласи деб билиш адолатсизлик бўлади.

Ўзбек тарихчилигида Шайбонийхон ва Шайбонийларга нисбатан ёппасига бафраклик ёки бепишандлик ҳукм суряпти десам, хато қиламан. Умумий манзара ўзгармаётгани билан, янгича қарашларни илгари сурадиган тадқиқотчилар етарлича топилди; Шайбонийхон шахсиятини қайта баҳолашга хайрихоҳлар ҳам кўпайиб бормоқда. Мисол келтирмаган.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» фундаментал

# ШАЙБОНИЙХОН

## шахсияти нега эътиборсиз қолмоқда?

Ўзбек тарихининг энг зиддиятли нуқтаси ҳақида мулоҳазалар

нашрининг юқоридагидан бир йил олдин чоп этилган биринчи китобида ҳам Шайбонийлар ҳақида стандарт парадигма такрорланади: «Қарийб бир асрга яқин давом этган Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам тинчлик бўлмади, қирғинбарот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди» ва х.к. Аммо Шайбонийхон ва Бобуриунинг ўзаро курашлари ҳақида гап кетганда, китоб муаллифлари «бу икки ўзбек саркардаси, икки шоир ва давлат арбоби иттифоқлашиб, Темурийларнинг буман Шарқ ва барба ёйилган ширкатини барқарор этиш, Соҳибқирон Амир Темуру асос солган қудратли давлат шукҳини янада тиклаш ўрнига ўзаро кураш, уни эгаллаш билан банд бўлишди», деб таъкидлайди.

### БОБУР, ШАЙБОНИЙХОН ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАРИХИНИНГ ЁЗИЛИШИ

Ўзбек миллий тарихи модели турли идеологик курашлар асносида ХХ асрнинг 30-50 йилларида ишлаб чиқилган. Ўзбек тарихининг даврий ва географик чегаралари, шахслар пантеони, асосий концепциялар ушундан буён анча ўзгаргани йўқ. Бизга яхши таниш ўзбек миллий тарихи модели кейинроқ, 50-йилларда бутунлай ишлаб чиқилиб, расмий тус олган ҳамда китоблардан, дарсликлардан ўрин ола бошлаган. Бизга бугун мактабларда ўргатиладиган тарихий шахслар ҳам 40-50-йилларда саралаб олинган. Бунда асосан Х-ХV асрларга урғу берилган – айнан шу даврда Урта Осиёда маданий ва сиёсий юксалиш бўлган, деб қаралган. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ватанпарварлик руҳини ошириш мақсадида бошқа даврларда яшаган айрим шахслар – кўзго- лончилар, босқинчиларга қарши курашган арбоблар расмий пантеонга киритилиб, тарғиб қилинган.

Қизиғи, Бобур бобока- лони Темуру сингари бошида бу рўйхатдан тушиб қолган. Ўзбек зиялилари Темурийлар даврига катта эътибор қаратганига қарамай, Темурий ҳукм- дор ва саркардалар феодал эли- та вакиллари сифатида миллий қахрамонлар пантеонига киритилмаган. Мирзо Улуғбек каби олимлар, Алишер Навоий сингари шоирларгагина рухсат берилган.

Кейинчалик Бобурни машҳур қилиб юборган ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодиров 50-йил- ларнинг охирида ёзилган «Уч илди» романи- да ўша давр университет таълимида Бобур золим босқинчи қилиб кўрсатилганини қи- стириб ўтган.

Кейинги ўн йилликларда Бобурнинг номи реабилитация қилинди. У адабиёт антологияларига киритилди, китоблари чоп этилди. Лекин бунинг оқибатида Шайбонийхоннинг имижига янада нега- тивлашди – у энди дилбар шоир, ҳассос инсон Бобурнинг душманига айланди. Уни қувиб юборган, Темурийлар давлати- ни қулатган босқинчи номини олди.

### «БОБОМ ЁМОН, ДЕМАК, БОБОМ ЭМАС». ШАЙБОНИЙХОНГА ҚАРШИ ЭЪТИРОЗЛАР АСОЛИМИ?

Бахтиёр Алимжанов мақоласининг ижтимоий тармоқлардаги муҳокамалари- га эътибор берсангиз, қарши аргументлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу аргументлар зиёли қатлам, тарих ишти- ёқмандлари нега Шайбонийхонни муҳим тарихий шахс сифатида тан олгиси келмаётганини очиклайди: Темуру салтанатини қулатган, мустақкам давлат яратмаган, «маънавият»и, бағрикенг инсон бўлмаган, бу юртта бостириб келган, кўчманчи, демакки, «ёввойи» бўлган. Шунингдек, қиёсий аргумент кўп илгари сурилади: Бобур буюкроқ бўл-

ганми, Шайбонийхонми? Шайбонийхон Темуруча- лик буюк бўлганми?

Алимжановга раддия тарзида ёзилган постлар- дан биринчи фикрлар диққатга сазовор: «Аслида Шайбонийхон Бобур каби билимдон, маънавияти бой, бағрикенг бўлганми? Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва Шайбонийхоннинг қилган ишларини та- рих параллелида солиштириб кўрадиган бўлсак, Бобурнинг тоши рақибиникидан анча оғир кела- ди». Бу ўзбек академик доираларида энг кўп ян- гирайдиган аргументдир. Бир замонлар, PhD да ўқиб юрганамда Амир Темуру даврини ўрганувчи бир профессордан «нега Шайбонийхон шахсиятига етарли эътибор беришмайди?», деб сўраганимда, зарда билан «у Темурунинг олдида ҳеч нарса бўлма- ган!», деган эди.

Бир шахсга баҳо бериш учун уни бошқа шахс билан қиёслаш тўғри ҳулосалар келтириб чиқар- майди: ҳамма бирдай буюк, бирдай кучли бўла олмайдилар, илло ҳар кимнинг тарихда ўз ўрни бор. Шайбонийхон Темуручалик катта ишлар қилма- гандир, лекин Темуру ҳам Чингизхончалик катта ишлар қилмаган. Қиёсинг охири йўқ. Чамамда, баъзи тадқиқотчилар Шайбонийхон образини


### ШАЙБОНИЙХОН ЮРИШЛАРИНИНГ ҚАНДАЙ АҲАМИЯТИ БОР?

Бахтиёр Алимжановнинг Шайбонийхоннинг фаолияти Марказий Осиёда янги даврни бошлаб бергани, у ўрнатган тизим ХХ аср бошларидаги сақлангани борасидаги ҳулосаларига қўйилмаган. Бунга қўшимча равишда айтишим мумкинки, Шай- бонийхон ҳамда унинг Дашти Қипчоқдаги рақиб- лари – қоқоқ хонлари бошлаб берган жараёнлар яна икки асрча давом этиб, Марказий Осиёнинг бугунги этник, лисоний, маданий ва сиёсий кар- тинаси шаклланишига замин яратди: ўзбеклар, қо- зоқлар, қарақалпоқлар ва қирғизлар шаклланиб, бугунги географияларида жойлашди, уларнинг тили ва маданиятидаги ўзига хослик шакллана бошлади. Олдинги халқлар – чигатойлар ва мўғуллар сиёсий мавқени йўқотиб, бошқа халқлар, жумладан, ўз- беклар ва қоқоқлар таркибига қўшилиб кетди.

Баъзида «ўзбеклар бостириб кирмаганда ҳам ҳеч нарса ўзармасди, фақат номимиз бошқача бўларди», қабилидаги фикрларни эшитиб қоламан. Бундай қараш расмий тарихда ҳукм сурётган сте- реотиплардан илдизланади. Айтайлик, Аҳмадали Асқаровнинг 2015 йилда чоп этилган «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» номили китобида яна ўша эски советча гаплар такрорланиб, Шайбо- ний ўзбекларнинг роли пасайтириб кўрсатилади, гўёки улар минтақадаги этник вазиятга ҳеч қандай таъсир ўтказмагандай таассурот уюлтиради. Аммо тарихий фактлар бунинг тексарисини кўрсатмоқда.

Биринчидан, халқни шакллантиришда ўзлик, ном жуда муҳим ўрин тутди. Ўзликни ташкил эт- вичи этноним ёки полтоним, унинг ортида турган тарихий ва маънавий капитал миллатни бирлашти- ришда тил ёки маданиятдан устунроқ омилдир. Бир тилда гапирувчи молдаван ва руминлар бир- би- рини бошқа-бошқа миллатлар ҳисоблайди, лекин ҳар хил тилда гапирувчи тилтоилар ўзини ягона миллат деб билади; бир тилда гапирувчи хорват- лар, серблар, бошняклар ўзаро қирғинбарот уруш- лар гирдобидида қолган бир пайтда турли этнослар бирлашувидан ташкил топган немислар, француз- лар ва италиянлар дунёни бошқариб келди.

Шайбонийларнинг ўзбек тарихидаги ўрнини кўрсатувчи бир



Шайбонийлар даҳмасининг бугунги кўриниши

факт бор. Хо- разм вилояти узок тарихи мобай- ниди қўпича алоҳида сиёсий ва маданий бир- лик бўлиб келган; XVI аср бошларида ҳам Хо- размда, ҳам Мовароуннаҳрда ўзаро қариндош ўзбек сулоалари иқтидорга келиши тўғрисида уларнинг ўзлиги умқийлашган, уларнинг не- гизиди ягона миллат шаклланишига пойдевор

қўйилган. Буни яхши тушунган машҳур амери- калик ўзбекшунос Эдуард Олворт ўзбек халқи ва давлати тарихини Ўзбекистондан ва Абул- хайрондан бошлайди.

Иккинчидан, Темурийлар давлатида туркий тил- ли чигатойлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қил- маган: шаҳарларда, ўтроқ туманларда, айниқса, Ху- росонда аксарият форс тилида гапирган. Чигатой- лар асосан Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Балх ва Толукондаги яйловларни эгаллаган.

Баъзи вилоятларда, масалан, Фарғона водий- сининг шарқий қисми, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими, шунингдек, Темурийлар ва Олтин Ўрда ўр- тасидаги баҳсли ҳудуд бўлимиш Хоразмда туркий тил устунлик қилган.

«Бобуронома»да келтирилган Фарғона вилояти таърифига эътибор беринг: муаллиф вилоят «етти пора қасаба»га, яъни етти туманга бўлинишини айтади ва шулардан фақат Андижоннинг аҳолиси- ни турк деб таърифлайди. Андижондан ташқари, йирик шаҳарлардан Тошкент ва Қаршида нисбатан кўп туркий тили аҳоли яшаган; Самарқанд, Балх ва Хиротда чигатойлар фақат аристократия ва ҳарбий- ларни ташкил қилган.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Шайбонийхон ҳамда унинг қариндошлари билан биргаликда мин- тақага 370 минг одам кириб келган; XVI-XVIII аср- ларда яна бир неча миграция рўй берган. Қолавер- са, юқорида айтганимдек, кўп чигатой ва мўғул қа- билалари ўзбеклар билан бирлашган. Бу жараёнлар натижасида Мовароуннаҳр ва Фарғонада, Хуросон- нинг шимолий вилоятларида туркий тили аҳоли – ўзбеклар кўпчилигини ташкил эта бошлаган. Айнан ўзбекларнинг фаол миграцияси натижасида тур- кий тил яйловлардан шаҳарларга кўчган – Марги- лон, Жиззах, Шахрисабз, Шибиргон, Майма- на каби шаҳарлар XVI-XVII асрларда туркий тилга ўтган; бундан ташқари, ўзбеклар Қўқон, Кат- тақўрғон, Шахрихон, Урағач сингари шаҳарлар- ни бунёд этган.

Ўзбекистон харитасига қарасангиз, ўзбек қа- билалари номига аталган юзлаб, балки минглаб катта-кичик қишлоқни учратасиз: Фарғонадан Хоразмгача қўштамали, қўнғирот, юз, қан- ли, мангит, пичоқчи, балиқчи, айрончи, уй- рот, кенағас, тўжа, қарапчи, чоғали, тугали, қа- татон, олқор, дўрмон, минг, баҳрон, сарой, қип- чоқ, дархон, сирғали, қўлча, уйиш, жа- лолир каби номлар сочилиб

ётган. Ўзбекларнинг йирик гуруҳлари Шаҳар- лашиб, қарлуқ ва ўғуз шеваларига ўтиб кет- ганга қарамай, ҳали- гача қипчоқ шева- лари Фарғона, Хо- разм, Самарқанд, Жиззах, Қашқа- дарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тош- кент каби вило- ятларда ниҳоятда кенг тарқалган. Совет ўзбек этно- графи Балқис Кар- мишева ХХ аср бошларида Бу- хоро амрлиғи- нинг жанубий ви- лоятларида келиб чиқиши Дашти Қипчоққа бориб тақалувчи ўзбеклар мутлақ кўпчилигини ташкил эттишини аниқлаган эди. Шу далилларнинг ўзинг ўзбеклар Мовароуннаҳр, Хоразм ва Фарғонага не қадар катта оқим бўлиб кириб келганини кўрса- тади.

Шайбонийхон бошлаган ишни якунига етқа- за олмай, 1510 йилда Исмоил Сафавийга қарши жангда ҳалок бўлган. Унинг фарзандлари, амаки- лари ва жиянлари тез орада бирилашиб, Ғиждудон жангида Бобур – Сафавий коалицияси устидан га- лаба қозонган ва Мовароуннаҳрда узил-кесил ўз ҳокимиятини ўрнатган. Айтиш керакки, улар тузган давлат – Бухоро хонлиғи анча қудратли, барқарор ва мустақкам эди; Шайбонийлар Усмонлилар, Са- фавийлар ва Бобурийлар қаторида мусулмон дунёсини бўлиб олган тўрт йирик кучдан бири ҳи- собланарди. Шайбонийхондан кейин ҳукм сурган хонлар – амакилари Сунонқўжахон ва Қўчқун- чўжон, жияни Убайдуллохон ва унинг ўғли Абду- лазиҳон ийрик давлат арбоблари эди. Уларнинг фаолиятини ўргангангиз, улар мамлакатни ши- а экспансиясидан сақлаб қолганини, ҳудудлари- ни кенгайтириб бор- ганлигини, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказиб, давлатни мустақкамлаганини кўрасиз. Уларнинг ҳар бири алоҳи- да тадқиқотларга муҳтож, ўрганилмай қолиб кетаётган йи- рик тарихий шахслар- дир.

Шайбоний ҳукм- дорлар сиёсий ва ҳарбий фаолиятдан ташқари, фан ва ма- даниятга ҳомийлик қилган. Шайбонийхон, Убайдуллохон, Абдулази- хон дилбар шеърлар ёзган, Шайбонийлар таржумонлиқни рағбатлантирган; Шайбонийлар даврида туркий тилда тарихий сол- номалар ёзила бошлаган. Қарши, Қўқон, Тошкент, Бухоро ва Хивадаги тарихий ёдгорликларнинг ҳам аксарияти Темурийлар даврида эмас, Шайбоний- лар ҳамда улардан кейинги ўзбек сулоаларининг буюртмасига бинсон қурилган.

Хуллас, Шайбонийлар сулоласи анча қудратли, кўчқунчхон таржумонлиқни рағбатлантирган; Шайбонийлар даврида туркий тилда тарихий сол- номалар ёзила бошлаган. Қарши, Қўқон, Тошкент, Бухоро ва Хивадаги тарихий ёдгорликларнинг ҳам аксарияти Темурийлар даврида эмас, Шайбоний- лар ҳамда улардан кейинги ўзбек сулоаларининг буюртмасига бинсон қурилган.

Хуллас, Шайбонийлар сулоласи анча қудратли, кўчқунчхон таржумонлиқни рағбатлантирган; Шайбонийлар даврида туркий тилда тарихий сол- номалар ёзила бошлаган. Қарши, Қўқон, Тошкент, Бухоро ва Хивадаги тарихий ёдгорликларнинг ҳам аксарияти Темурийлар даврида эмас, Шайбоний- лар ҳамда улардан кейинги ўзбек сулоаларининг буюртмасига бинсон қурилган.

Акс-садо катта ва барқарор давлат яратиб, бир аср давомида минтақанинг иқтисодий, маданий ва сиёсий ўсиши- ни таъминлаган. Уларнинг даврида фан ва маданият ривожланган. Фарбдан иқтисодий, техник ва мада- ний томондан ортада қолиш кейинги асрларда кўзга ташлана бошлаган ва умуман мусулмон оламига хос ҳодисадир. Бу – алоҳида ва жуда катта мавзу. Лекин Шайбонийларнинг асосий хизмати ўзбек халқи ва давла- тининг тамал



Шайбонийхоннинг Туркиядаги нашр этилган девони

ши - ни қўйгани, мин- тақадаги этник ва сиёсий ва- зиятни ўзгартириб юборгандир. Улар кўп жиҳатдан бугунимизни, минтақа халқларининг жорий маданий ва этник қиёфасини белгилаб бер- ган сулоладир.

### ДУНЁДА ҚАНДАЙ?

Жаҳон фани Ўзбекистон академиясида ҳукмрон позицияда турган концепцияни асоси деб ҳи- собламайди. Ўзбек давлатчилигини Сўғдиёна-ю Бактрияга боғлашни, Шайбонийлар ва ўзбек хонликларининг ролини инкор қилишни дунё олимлари сиёсий конъюнктура меваси деб била- ди. Инглиз тилидаги тадқиқотларда, замонавий ан- тропологик назарияларга асосланган рус тилидаги матнларда мутлақо бошқача ёндашуви учратасиз. Илгарироқ Олвортнинг қарашларини қўллаган ўтдим. ЮНЕСКО шафелигида тайёрланган фунда- ментал тадқиқот – History of Civilizations of Central Asia китобининг XVI-XIX асрлар тарихига бағишлан- ган бешинчи жилдада ҳам шунга яқин ёндашуви учратасиз.

Ҳозирги кунда қўшни Қозғистон тарихчилари ўз методикасини жаҳон академиясига мослашга уриниб, қоқоқ давлатчилиги тарихини XV асрдан – Қо-

зоқ хонлигидан бошла- моқда. 2015 йилда Қо- зғистонда Қозоқ хон- лигининг 550 йиллиғи нишонланди. Бошқа соҳаларда бўлгани- дек, тарихчиликда ҳам улардан ўрғанидиган нарсаларини бор.

### ХУЛОСА ЎРНИДА. ШАЙБОНИЙЛАР БУГУНГИ ЎЗБЕКISTONГА НИМА БЕРА ОЛАДИ?

Ўзук-юлуқ фикрла- римини эринмай ўқиб, охири бандга етиб келган ўқувчиларга мин- тадорлик билдираман. Юқорида Шайбонийхонга

беписандлик ўзбек фани ва адабиётида совет дав- рида шаклланиб қолган, тарихий хотирага алоқадор бўлмаган стереотипик қараш эканини кўрсатишга интилдим. Бирор шубҳа қолган бўлса, эринмай XVI- XIX хонбаларини кўздан кечиринг: у келари ўтмиш ҳозирдаги тамомила бошқача тушунилагани, тари- хий шахслар ва қахрамонлар бошқа бўлгани, Чин- гизхон, Абулхайрхон, Шайбонийхон, Убайдуллохон, Абдуллохон II янглир арбоблар расмий пантеонни ташкил қилганини кўрасиз.

Мабодо бунинг сиёсий буюртма, сарой тарихчи- лиги деб ўйлайдиган бўлсангиз, халқ озаки ижоди- мурожаат этинг. Фольклоршунос Ходи Зариф ба- хши Пулкан шоирдан ёзиб олиб, 1928 йилда нашр эттирган «Шайбонийхон сарзуашти» номили халқ достониди Шайбонийхон бош қахрамон, антагонист эса Бобур ролида гавдалантирилган. «Ўзбек адабиёти тарихи» фундаментал тадқиқотининг биринчи китоби- ни ёзган адабиётшунос Натан Маллаев халқ хоти- расидаги Шайбонийхон ва Бобур образлари расмий тарихчиликка мос келмаганини тушуниришга ури- ниб, достондаги бу образлар реал тарихий шахсларга алоқаси йўқ, деган ҳулоса чиқаради. Аммо унинг ҳуло- саси зўрма-зўраки экани кўриниб турибди.

Шундай экан, Шайбонийхоннинг тарихий роли тан олинши аввало, расмий тарих халқ хо- тирасига мувофиқ келишига олиб келади. Бундан ташқари, совет тарихчилигининг идеологик кли- шеларидан воз кечилиб, расмий парадигма ака- демик позицияга, тарихий ҳақиқатга, дунё фани- даги тенденцияларга максимал даражада яқинла- шиши таъминланади.

Бу, ўз навбатида, миллий тарих шахслари пан- теонини янада бойитади. Фақат Амир Темуру ва Жалолиддин Мангборундан иборат сиёсий ар- боблар рўйхати ўтмишининг бойлигини ва буюқ- лигини кўрсатиш учун камлик қилади, менимча. Ўзбек сиёсий тарихи жиддийроқ тадқиқотларга муҳтождир.

Ниҳоят, ўзбек деган номнинг қадрини ошади. Ҳар бир халқнинг, давлатнинг номи унинг маънави- ят капиталини, рамзий бойлигини ташкил қилади. Руслар руслигидан, қирғизлар қирғизлигидан фахр- ланади. Ўзбекларга ҳам ўзбекилигидан фахрланиш ўргатилади, лекин тарихга келганда, бу ном қадрини йўқотди: миллий тарих «бизнинг асл номимиз бошқа, бу ном беш юз йил олдин адашиб келиб қолган, тасофифан бириккиб қолган» деб уқтириди. Тарихга ёндашув ўзгариши билан бундай қарашлар барҳам топиб, бу этноним беш юз йиллик асосга эга экани, унинг ортида салмоқли рамзий капитал бор- лиғи маълум бўлади.

kup.uz сайтида эълон қилинган ушбу мақола жузвий қисқартилар билан берилди.



# «ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ» – ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ЗАРВАРАҚ

2021 йилнинг 28 сентябридан 3 октябргача мамлакатимизда «ИПАК ЙЎЛИ  
ДУРДОНАСИ» XIII ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ бўлиб ўтди

**Маълумот учун:** «Осиё, Африка ва Латин Америка мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали» илк бор 1968 йилда «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар дўстлиги учун» шiori остида ташкил этилган. Уша йили дунёнинг 22 мамлакатидан таниқли кинопродюсерлар, режиссёрлар ва кино юлдузлари иштирокида 50 га яқин картина намойиш қилинган. Шундан сўнг кинофестиваль 1988 йилга қадар мунтазам равишда ўтказиб келинган. Аммо 1997 йилдан сўнг айрим сабабларга кўра, у тўхтаб қолган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантириш, ўзбек киносининг тарихий шухратини қайта тиклаш мақсадида бир қатор истиқболли ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан,

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги бош директори Ф.Абдуқолиқов, россиялик кинопродюсер ва режиссёр Т.Бекмамбетов, америкалик машҳур мультипликатор ва режиссёр Роб Минкофф ва бошқалар кинофестивалнинг аҳамияти, юртимизда кинематографияни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, бугунги ҳақон киноси олдида турган масалалар ҳусусида муҳтасар сўз юритишди.

Сўнгра фестивалнинг расмий байроғи кўтарилди. Ўзбек ва жаҳон киносига қуйилган қўшиқлар асосида тузилган мусиқий композиция томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди. Тадбирда хориж мусиқасининг атоқли вакиллари – Россия халқ артисти Филипп Киркоров, турк мусиқасининг машҳур юлдузи Сер-



## 6 ТА КИНОТЕАТР ИШГА ТУШДИ, 20 ТА МАКТАБ ЯНГИДАН НОМЛАНДИ

Фестиваль доирасидаги «Жаҳон киноси кунлари» ҳам катта тантаналар билан бошланди. Ҳар бир мамлакат киноси кунларининг очилиши катта байрамга айланиб кетди.

Пойтахтимизнинг турли маданият муассасалари, яъни 10 га яқин маданият ва санъат масканлари кинофестиваль иштирокчилари, миллий ва хорижий кино юлдузлари, мухлис ва мутахассислар билан гавжум бўлди. Мамлакатимиз бўйлаб 14 та мамлакат киноижодкорлари иштирокида «Жаҳон киноси кунлари» ўтказилди.

Лойиҳанинг хорижий иштирокчилари ўзбек санъаткорлари ҳамроҳлигида мамлакатимизнинг турли ҳудудларига йўл олишди. Мехмонлар иштирокида бир қатор шаҳарларимизда муассасалар фойдаланишга топширилди. Булар – Тошкент шаҳридаги «Киночилар уйи» ва «Renaissance Hall» кино-концерт зали, Самарқанддаги «Family Park», Бухородаги «Бухоро» ва «Сhinoz Сinema», Хивадаги Худойберган Девон номидagi кинотеатрлардир.

Шу кунлари юртимизнинг 10 та шаҳридаги 20 та кинотеатрда ўзбек ва жаҳон киноижодкорлари суратга олган 150 га яқин фильм намойиш қилинди. Тадбирлар довомида юртимизнинг турли ҳудудларидаги 20 та мактабга ўзбек киноси ривожига катта ҳисса қўшган марҳум санъаткорлар номи берилди.

Кинофестиваль доирасида санъат ва маданият йўналишидаги олий ўқув юртилари иштирокида «Кино соҳасидаги таълимнинг долзарб масалалари ва истиқболлари» мавзусидаги I Халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан кино йўналишида таълим бериладиган OTM ректорлари ва мутасаддилари қатнашди. Конференцияда кино таълимидаги муаммолар, таълим методологияси, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, талабалар ва магистрантларнинг билим ва мала-

касини ошириш, янги ўқув қўлланмаларини яратиш сингари масалалар атрофича муҳокама қилинди.

## КИНОЮЛДУЗЛАР ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА...

Кинофестиваль довомида таниқли арбоблар, кинорежиссёрлар, актёрлар ва операторларнинг Янги Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

– Биринчи марта Тошкентга ҳамкорликда фильм яратганимизда келганимиз, бир ой довомида бу ерда яшганимиз, аммо мамлакат билан яқиндан танишиш имкони бўлмаган, – дейди ҳиндистонлик киноактёр ва продюсер Митхун Чақраборти. – Бу сурат Тошкентга келиб, Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида янада ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлдим.

– Мен дунёнинг турли мамлакатларидаги кинематографистлар қатори машҳур ва афсонавий кинофестивалнинг қайта тиклангани учун Ўзбекистон Республикаси раҳбариятидан жуда миннатдорман, – дейди америкалик кинорежиссёр Стивен Сигал. – Дунёнинг кўлаб мамлакатларидан келган таниқли кино намояндалари иштирокидаги мазкур кинофестиваль ўта кенг миқёсли воқеага айланишига ишонаман.

Туркиялик ҳужжатли кино устаси Хусейн Ўзденнинг фикрича, Тошкент халқаро кинофестивалнинг қайта тикланиши Янги Ўзбекистоннинг ютуқларидан биридир.

## «БИЗ ЯНА КЕЛАМИЗ!»

«ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ» кинофестивали довомида дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган таниқли киноижодкорлар иштирокида 30 га яқин мастер-класс ва маҳорат дarsi ташкил этилди. Унда 300 нафардан ортиқ ёш киноижодкор, шу йўналишда тахсил олаётган талабалар иштирок этишди.

Кинофестивалнинг якунида эса беш нафар махсус меҳмонга Кинематогра-



фия ривожига қўшган ҳиссаси учун махсус статуйчалар ҳамда 20 минг АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофотлари топширилди. Улар орасида россиялик кинорежиссёр Никита Михалков, туркиялик кинорежиссёр Нури Билге Жейлан, Қирғизистон Республикаси халқ артисти Айтурган Темирова, Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаева, таниқли актёр, ҳиндистонлик режиссёр ва продюсер Рандхир Капур бор. Шунингдек, қардош ва хорижий киноижодкорлар билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик меморандумлари, «Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий» кинолройҳаси, Хўжа Насриддин ҳақида анимацион фильм яратиш ҳақидаги меморандумлар ҳам имзоланди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиши маросими Тошкент шаҳридаги «Renaissance Hall» мажмуасида бўлиб ўтди. Унда россиялик машҳур кинопродюсер, халқаро ҳакамлар ҳайъати аъзоси Тимур Бекмамбетов Кинофестиваль иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига йўллаган Мурожаатномасини ўқиб эшиттирди.



Шундан сўнг, кинофестиваль иштирокчилари ва ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда «Кино беш кунда» ва «Янги авлод киноси» танловлари, «Энг яхши эркак роли», «Энг яхши аёл роли» учун номинациялари ғолиблари аниқланди.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин ва 15 минг АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофоти ўзбекистонлик Шерзод Ҳасанова, 2-ўрин ва 10 минг АҚШ доллари Жанубий корейлик Пак Су Минга, 3-ўрин ва 7 минг АҚШ доллари яна бир ҳамюртимиз Саидаъло Мақсудоновга насиб этди.

Тадбир якунидаги катта концертда хорижий киноюлдузлар фестивалнинг юқори даражада ташкил этилганини эътироф этишди. Ўз сўзларида юртимизга тақдир учун миннатдорлик билдириб, «Хайр, Тошкент, биз яна келамиз!», дея самимий хайрлашди.

Зебо НАМОЗОВА,  
«ISHONCH»



«Осиё, Африка ва Латин Америка мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали» «ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ» Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тикланиб, у ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида ўтказилиши белгиланди.

дар Ортақ, тожикистонлик хонанда Хужастай Мирзозали ва бошқалар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

Дарвоқе, кинофестивалнинг очилиш маросимида 2000 нафардан ортиқ томошабин иштирок этиб, тадбир мамлакатимизнинг бир қатор телеканаллари орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди.

## ТОШКЕНТ ҚИЗИЛ ЙЎЛАГИ УНИТИЛМАС ХОТИРАЛАР УЛАШДИ

«ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ» халқаро кинофестивалнинг тантанали очилиш маросими Республика «Киночилар уйи» биносида бўлиб ўтди.

28 сентябрь Тошкент оқшомида жаҳон ва миллий киносининг машҳур юлдузлари – 355 хорижий ижодкор ва дунёга машҳур 55 нафар таниқли киноюлдуз бир жойда жамул-жам бўлишди. Тошкент қизил йўлаги нафақат мезонлар ва кино илҳомландари, балки жаҳон юлдузларида ҳам унутилмас таассурот ва хотиралар қолдирди десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг табригини Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов ўқиб эшиттирди.

## ЯНГИ АВЛОД КИНОСИ: ТАНЛОВЛАР ВА НАМОЙИШЛАРДА

29 сентябрдан кинофестивалнинг икки муҳим танлови «Янги авлод киноси» ҳамда «Кино беш кунда» лойиҳалари иш бошлади.

«Янги авлод киноси» танловида 25 та мамлакатдан келган 50 дан ортиқ киноижодкорлар сўнгги йилларда яратилган қисқа метражли фильмлари билан иштирок этишди.

Фестиваль доирасида ўтказилган «Ўзбекистон киноси кунлари» алоҳида аҳамиятга эга. Жойларда ўзбек киносининг таниқли вакиллари иштирокида учрашувлар ўтказилди. Сўнгги йилларда ўзбек киноусталари томонидан суратга олинган бадиий фильмлар намойиш этилди.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

2021 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва умумий ўрта таълимнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида

## «МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ БИЛИМДОНИ»

танлови ўтказилади.

1-ЎРИН: НОУТБУК; 2-ЎРИН: ПЛАНШЕТ; 3-ЎРИН: СМАРТФОН

Бунинг учун интернет тармоғидаги

[www.tanlov.kasaba.uz](http://www.tanlov.kasaba.uz)

сайтига 12-16 ОКТАБР кунларининг бирида ташриф буюриб, меҳнат қонунчилигига оид тест саволларига жавоб беришингиз лозим. Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган 20 нафар иштирокчи Республика босқичида қатнашиб, комиссия аъзоларига билет асосида оғзаки савол-жавобларга жавоб беради.

САРАЛАШ БОСҚИЧИДАН ЎТИБ, РЕСПУБЛИКА БОСИҚИЧИДА ҒОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ИШТИРОКЧИЛАР КЎЙИДАГИ СОВРИНЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТАДИ:



МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ  
(таҳрир ҳайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ,  
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,  
Анвар ҚҮЛМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
Меҳриддин ШУКУРОВ  
(Масъул кاتب – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир  
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари ҳаёти –  
(71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт –  
(71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт –  
(71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш –  
(71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна –  
(71) 256-87-73

[www.ishonch.uz](http://www.ishonch.uz)  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрирнинг нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир:  
А. Абдураҳмонов

Мусаҳҳи:  
Д. Худойберганава

Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдуғалилов

Босишга топшириш вақти – 22:00  
Топшириш вақти – 22:20

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ,  
Буюртма Ғ – 1006.

27517 нускада босилди.  
Навр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоши келишилган нархда

Манзилимиз:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: [ishonch1991@yandex.uz](mailto:ishonch1991@yandex.uz)

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТПР: 201133889,  
ОКЗД: 58130